



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

## ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 7 СОН

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 7

## LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 7



ТОШКЕНТ-2020

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети

**"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"**  
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Кебадзе Мадонна**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Бурдиашвили Майя**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Кожакеева Ляззат Темировна**

*тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика  
университети, Қозоғистон Республикаси*

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Бобожонова Дилором Бобожонова**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети*

**Зияева Доно Хамидовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Аширов Адхам Азимбаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Агзамова Гулчеҳра Азизовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**

*тарих фанлари доктори,  
Тошкент кимё - технология институти*

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**

*тарих фанлари номзоди, доцент. Ўзбекистон  
давлат жаҳон тиллари университети*

**Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна**

*Тарих фанлари номзоди, доцент  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Ғофоров Шокир Сафарович**

*тарих фанлари доктори, профессор  
Самарқанд давлат тиббиёт институти*

**Эргашева Юлдуз Алимовна**

*Тарих фанлари доктори, профессор  
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

**Теймураз Ахалмосулишвили**

*профессор, Телавский государственный  
университет, Грузия*

**Халикова Рахбар Эргашевна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети*

**Ишанходжаева Замира Райимовна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Кобзева Ольга Петровна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Одилов Аброр Анварович**

*тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Саипова Камола Давляталиевна**

*тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Джоробекова Айнур Эшимбековна**

*тарих фанлари номзоди, профессор,  
Ташиқи ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия  
академияси, Қозоғистон Республикаси*

**Ғолипов Файзулла Саидович**

*тарих фанлари номзоди, доцент  
Тошкент давлат техника университети*

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

<b>1. Ўктамжон Абдуллаев</b> ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАРИДАГИ УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ПЕДАГОГ КАДРЛАР МУАММОСИ (1991-2010 ЙИЛЛАР).....	4
<b>2. Собир Абдуназаров</b> ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ.....	10
<b>3. Валишер Абиров, Исмоиддин Мамаюсупов</b> ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭТНИК ҚАТЛАМЛАРИГА ДОИР.....	22
<b>4. Акмал Базарбаев</b> ТУРКИСТОНДА МУСТАМЛАКА МАЪМУРИЯТИНИНГ ЕРГА ДОИР СИЁСАТИ (1867-1900 ЙИЛЛАР).....	33
<b>5. Ойбек Исаев</b> СУРХОН ВОҲАСИГА ОИД ТАЪЛИМ МАСАЛАЛАРИНИНГ АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИДА ЁРИТИЛИШИ (1920-1930й).....	40
<b>6. Гулмира Каттаева</b> ЛЯПИС–ЛАЗУРИТ МАНЗИЛГОҲЛАРИ ВА УНИНГ ТАРҚАЛИШ ГЕОГРАФИЯСИ.....	46
<b>7. Nargiza Karimova</b> ZIRAVORLAR VA MAHSUS TA’M BERUVCHI VOSITALAR SAVDOSINING RIVOJLANISH TARIXI HAQIDA VA’ZI MASALALAR.....	54
<b>8. Дадахон Норқўзиёв</b> МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ЭКОЛОГИК МУВОЗАНАТНИНГ ҲОЛАТИ ВА УНИНГ АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИГА ТАЪСИРИ.....	60
<b>9. Мафтуна Рўзикулова</b> МАРКАЗИЙ ФАРҒОНАДА СУҒОРИШ ИНШООТЛАРИ ВА ДАВЛАТ ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ТАРИХИ (XX АСРНИНГ 50-70-ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА).....	64
<b>10. Махмуджон Солиев</b> ДУКЧИ ЭШОН ҚЎЗҒОЛОНИ СОВЕТ ТАРИХШУНОСЛИГИДА.....	72
<b>11. Наргиза Ҳасанова</b> ОНАЛИК – ЗАМОНАВИЙ ШАРҚ АЁЛИНИНГ УЛКАН МАСЪУЛИЯТИ.....	76
<b>12. Махпурат Хуббалиева</b> БУДДА РОҲИБЛАРИНИНГ САЁҲАТНОМАЛАРИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ: VII – VIII АСРЛАР.....	85

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Дадахон Рахмонжонович Норкўзиев,  
Наманган давлат университети докторанти

## МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ЭКОЛОГИК МУВОЗАНАТНИНГ ҲОЛАТИ ВА УНИНГ АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИГА ТАЪСИРИ

**For citation:** Dadahon Rakhmonzhonovich Norkuziev, THE CONDITION OF THE ECOLOGICAL BALANCE OF THE FERGANA VALLEY IN THE YEARS OF INDEPENDENCE AND ITS INFLUENCE ON THE HEALTH OF THE POPULATION. Look to the past. 2020, vol. 7, issue 3, pp.60-63



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-7-8>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Фарғона водийсида мустақиллик йилларидаги экологик ҳолат, унинг аҳоли саломатлигига таъсири, минтақада аҳолининг ўта зичлиги, саноат корхоналарининг атроф-табiiй муҳитга салбий таъсири, экологик ҳолатнинг бузилиши, атроф-муҳит сифати ёмонлашувининг салбий таъсири натижасида турли касалликларнинг аҳоли саломатлигига таъсири ёритилган.

**Калит сўзлар:** Экологик муаммо, промилле, атмосфера ифлосланиши, перинатал давр, мегаполис, урбанизация.

Дадахон Рахмонжонович Норкўзиев,

Докторант Наманганского государственного университета

## СОСТОЯНИЕ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО БАЛАНСА ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ В ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ И ЕГО ВЛИЯНИЕ НА ЗДОРОВЬЕ НАСЕЛЕНИЯ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье описывается экологическая ситуация в Ферганской долине за годы независимости, ее влияние на здоровье населения, высокая плотность населения в регионе, негативное влияние промышленных предприятий на окружающую среду, ухудшение состояния окружающей среды, влияние различных заболеваний на здоровье населения.

**Ключевые слова:** экологическая проблема, промилле, загрязнение атмосферы, перинатальный период, мегаполис, урбанизация

Dadahon Rakhmonzhonovich Norkuziev,  
Doctoral student of Namangan State University

## THE CONDITION OF THE ECOLOGICAL BALANCE OF THE FERGANA VALLEY IN THE YEARS OF INDEPENDENCE AND ITS INFLUENCE ON THE HEALTH OF THE POPULATION

### ABSTRACT

This article describes the ecological situation in the Ferghana Valley over the years of independence, its impact on public health, the high population density in the region, the negative impact of industrial enterprises on the environment, environmental degradation, and the impact of various diseases on public health.

**Index Terms:** environmental problem, promilles, atmospheric pollution, perinatal period, megapolis, urbanization

### 1. Долзарблиги:

Фарғона водийсида аҳоли сони республиканинг бошқа минтақаларига нисбатан юқори суръатлар билан ўсиб бормоқда. Шунингдек, табиатдаги салбий ўзгаришлар мажмуи биринчи галда инсонлар саломатлигига катта зарар етказмоқда. Аҳолининг умумий қасалланиш даражаси тўхтовсиз ўсиб бориши, нафас йўллари, ошқозон-ичак, онкологик, юрак, қон-томир ва асаб қасалликлари кўпайиб, янги номаълум қасалликларни келтириб чиқармоқда. Табиатдаги салбий ўзгаришлар оқибатида инсоннинг яшаш муҳитини ёмонлашуви билан характерланадиган экологик муаммолар юз бермоқда.

Ўтган асрда қатор йирик давлатлар “Совет Иттифоқи, АҚШ, Франция ва бошқа мамлакатлар томонидан 1975-1985 йиллар мобайнида олиб борилган илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бизнинг соғлигимиз 49-53 фоиз ҳоллар ўз турмуш тарзимизга, 18-22 фоиз ҳолларда ирсиятимиз ва жисмимизнинг бошқа биологик қонунларига 17-20 фоиз ҳолларда атрофимизни ўраб турган иқлим-табiiй ва ташқи муҳитнинг кўпгина бошқа омилларига боғлиқ экан. Тиббиёт хизматининг қониқарсизлиги фақат 8-10 фоиз ҳоллардагина бизнинг саломатлигимиз даражасини белгилар экан ҳолос”[1].

Мутахассисларнинг фикрича, атроф-муҳит сифати ёмонлашувининг салбий таъсири натижасида, қасалликларнинг пайдо бўлиши ёки қасалликлар кечишининг тезлашишига ва кучайишига сабаб бўлади [2].

Фарғона водийсида юрак қон томир, қон ва қон яратиш аъзолари, овқат ҳазм қилиш аъзолари, эндокрин, сийдик таносил тизими қасалликлари катталарда кўп учрагани сабабли уларни олдини олишнинг умумий чораларини кўриш зарур. Экология муаммолари ва ичимик суви муаммоси устида жиддий шуғилланиш даркор. Водийда она ва бола саломатлиги бўйича давлат дастурларини бажарилишини янада кенг назоратга олиш мақсадга мувофиқдир [3].

Статистик маълумотларга кўра, Фарғона минтақаси гўдақлар ўлими бўйича 2006 йил сарҳисоби Тошкент ва Қуйи Амударё минтақаларидан кейинги даражани кўрсатади. Минтақа вилоятларининг ичида Фарғона вилояти бу борада бироз баланд кўрсаткичга эга бўлган (19,4%) ва бу мустақиллик йилларида ҳам ушбу ҳолат сақланиб қолган. Бунга сабаб, экологик вазият ва ижтимоий-иқтисодий муносабатлар натижасида гўдақлар орасида яшовчанлик даражасининг пасайиши, турли хил қасалликларнинг юзага келишидир. Фарғона вилоятида нафас олиш қасаллик туфайли гўдақлар ўлими 67,6 промиллени ташкил этган бўлса, перинатал даврдаги қасалликлар бўйича 67,8 промиллега етган [4].

Фарғона водийсининг Андижон ва Фарғона вилоятларида аҳолининг ўта зичлиги, саноат қорхоналарининг атроф-табiiй муҳитга салбий таъсири, экологик ҳолатнинг бузилиши турли хил қасалликларни мавжудлиги, оналар ва болалар ўлими ҳолатлари сабабли ўлим даражаси республикадаги айрим ҳудудларга нисбатан юқорилигини кўриш мумкин.

Республика табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси маълумотлари бўйича Фарғона водийси шаҳарларида атмосфера ҳавосининг ифлосланиш динамикаси таҳлили қуйидаги натижаларларни аниқлаш имконини беради. “Биринчи навбатда 1990 йилга нисбатан 2000 йилга келиб атмосферага чиқарилаётган чиқиндилар миқдори қарийб икки баробарга камайганини кузатиш мумкин. Лекин, Фарғона, Қўқон, Андижон ҳамда қўшни республикалар шаҳарларида ҳамон атмосфера ҳавосини ифлосланиши юқори даражада эканлиги сақланиб қолган”[5] лигини кўриш мумкин.

Мамлакатимиз минтақалари ўзининг демографик вазияти, экологик ҳолати, биологик омиллар ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ўлароқ бир-биридан ўзаро фарқланади. Асрлар ўтиб табиат мувозанати сезиларли даражада ўзгариши унинг атрофида яшаётган аҳоли саломатлигига салбий таъсири сезиларли ортиб боради.

Саноат шаҳарларининг, транспорт воситаларини атроф-муҳитга таъсири, ерларнинг шўрланши, сув муаммоси, чўл, тоғ олди худудларидаги муаммолар, аҳоли зичлигининг ортиши, табиий офатлар ҳам ўлим ҳолатларининг ошишига олиб келади.

Шаҳарлар атмосферасидаги ҳаво ифлосланишлари олимларни ташвишга сола бошлагани янгилик эмас. Ўтказилган кўплаб тадқиқотларда шуни кўрсатмоқдаки, инсоннинг қониқарсиз сифатга эга ҳаводан нафас олиши юрак-қон томир тизими ва нафас олиш органларининг бир қатор касалликларини келтириб чиқаради. Шунингдек, аҳолининг нисбатан заиф гуруҳига саломатлиги кучсизланган инсонлар, болалар ва катта ёшли кишилар тааллуқлидир. Аммо аниқланишича, нафас олинувчи ҳаводаги заҳарли моддаларнинг таъсири анча кенг ва у асаб тизимида ҳам ўз изларини қолдира олади. Бундан ташқари, олимлар атроф-муҳит сифатининг болалар ва натижада катталар руҳий ҳолатига таъсири етарли даражада мутлақо баҳоланмайди деган хулосага келишди. Маълум бўлишича, йирик мегаполислар ва ривожланган шаҳарлар аҳолиси руҳий касалликлар гирдобидида қолиши хавфи остида қолмоқда. Бу биринчи навбатда, урбанизация даражаси юқори бўлган ва болаларнинг аксарияти ноқулай шаҳар шароитида яшайдиган ривожланган мамлакатлар аҳолисига тегишлидир[6].

Дарҳақиқат, урбанизация жараёнининг тезлашуви, ўз навбатида ҳаво, сув ва тупроқнинг ифлосланиши каби муаммоларни келтириб чиқармоқда ва бу омиллар ўз навбатида инсон саломатлигига таъсир кўрсатмоқда.

Республикада XX асрнинг 90 йилларида ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ҳамда экологик муҳитнинг оғирлашиши туфайли кўчиб кетувчилар сони купайди [7].

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Фарғона водийси экологик ҳолатининг маҳаллий хусусияти ва мураккаблиги унинг худуди деярли берк водийда жойлашганлиги ҳамда хўжалик жиҳатидан чуқур ўзлаштирилганлиги билан изоҳланади.

### Иқтибослар /Сноски /Referenses

1. Ёш ленинчи 1989 йил 1 ноябрь. 2 бет. (Young Leninist November 1, 1989. 2 pages)
2. Мамаюсупов М. Экологик таъсир натижасида соғлиққа етказилган зарарни ундиришнинг ҳуқуқий асослар // Ижтимоий фикр. – Тошкент: 2006. № 4. – Б. 84. (Mamayusupov M. Legal basis for compensation for damage to health as a result of environmental impact // Social opinion. - Tashkent: 2006. № 4. - B. 84.)
3. Хаджамуратов М.Х. Фарғона водийсининг демографик тарихи (1991-2006 йй.). Тарих фанлари номзоди дисс. – Т.: 2011. – Б. 107. (Xadjamuratov M.X. Demographic history of the Fergana Valley (1991-2006). Candidate of Historical Sciences diss. - T.: 2011. - B. 107.)
4. Хаджамуратов М.Х. Фарғона водийсининг демографик тарихи (1991-2006 йй.). Тарих фанлари номзоди дисс. – Т.: 2011. – Б. 103. (Xadjamuratov M.X. Demographic history of the Fergana Valley (1991-2006). Candidate of Historical Sciences diss. - T.: 2011. - B. 103.)
5. Ҳамидов А. Фарғона водийсидаги табиий географик тадқиқотларнинг геоэкологик аҳамияти. География фан. ном. Дисс.. – Т.: 2006. – Б. 82. (Hamidov A. Geoecological

significance of natural geographical research in the Fergana Valley. Geography fan. nom. Diss .. - Т.: 2006. - В. 82.

6. Шаҳарлар ҳавоси ифлосланиши болаларда психик бузилишларга олиб келиши аниқланди // <https://kun/uz/03917404>) (Urban air pollution has been found to lead to mental disorders in children // [https:// day / en / 03917404](https://day/en/03917404))

7. Исаков Б. Ўзбекистонда 80 йилларнинг – 2000 йиллардаги тарихий ўзгаришларнинг демографик жараёнларга таъсири. Тарих фанлари номзоди. Дисс... – Т.: 2010. – Б. 79.(Isakov B. The impact of historical changes in Uzbekistan in the 1980s and 2000s on demographic processes. Candidate of Historical Sciences. Diss ... - Т.: 2010. - В. 79.)

## **ЎТМИШГА НАЗАР**

**3 ЖИЛД, 7 СОН**

## **ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ**

**ТОМ 3, НОМЕР 7**

## **LOOK TO THE PAST**

**VOLUME 3, ISSUE 7**

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000